

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2003 йил 24 июль, №152 (3264)

Пайшанба

Деҳқон ўз улушини олиши шарт!

Боёвут туманидаги «Боёвут» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ғофуржон Алиев билан суҳбатимизнинг асосий мавзуси шу хусусда бўлди

Суҳбат баёнини ёритишга бироз шошмай тураимиз.

Биз гапни узоқроқдан бошлаймиз. Утган йили Президентимиз Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунги муносабати билан йўллаган табригида шундай деган эди: «Бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончи, шу билан бирга, машаққатли, оғир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида унинг қанчалик ҳолисона аксини топса, жамиятимизда шунчалек алоқат ва тўғрисилик муҳити ҳукмрон бўлади.

Чунки ютуқни-ютуқ, камчиликни-камчилик, жиноятни-жиноят, хиёнатни-хиёнат, деб ҳамма нарсани ўз номи билан аташ — том маънодаги демократик жамият матбуотининг ҳақиқий қиёфасини белгилаб беради...»

Ҳақиқатан ҳам, Ўртабшуми таъкидлаганидек, воқеаларни бузиб кўрсатиш, унинг юзига ула суртиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Халқимизда, «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилди», деган ажойиб мақол бор. Сизловуқни енг ичига бекитгани билан қошиқ унинг оғриги билинмас!

Энди гапнинг бурмадага келсак, «Боёвут» ширкат хўжалиги қатор йиллардан бундан давлатга пахта, галла, полиз ва сабзавот маҳсулотлари сотиш режаларини ошири билан баҳариб келаяпти. Туман, вилоят миқёсидаги йилгилиларда жамоа аҳлига олиқ-иссиқ гаплар айрилиб, бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатишмоқда. Аммо...

Бошқарув раиси Ғофуржон Алиевнинг қовоғи утган йили деярли очилмади. Гап шундаки, мўл ҳосил етиштирган ундай оилавий пудратчилар, қатор фермерлар яқинда икки бармоқларини бурунларига тикиб қолаверди. Хўжалик оморига йилгилан шартномадан ташқари 1,5 минг тонна галла бир ҳафта ичда ташиб кетилди. Одамлар нима гап эканлигини ҳатто тушунмай ҳам қолди. Ҳолбуки, улар ўзларига тегишли бугунги тушириб олиш учун оморларини тозаллаб қўйишган, қоп-қанорлари ҳам тайёр эди.

Алиевнинг жизанаги чиқиб, бир кунда соқлариди оқ икки баравар кўпайди. Дардини қўлтиқлаб идорамайдора чопгани фойда бермади. У учрашган раҳбарлар елка қисиб, қўлларини икки

томонга ёзишдан бошқа нарсаси ярамади. Юртбошимиз ҳар гал ва ҳар бир қишлоқ хўжалиги юмушларига бағишланган йилгиларда, «Барака топқурлар, деҳқоннинг ҳақиқига хиёнат қилманлар. Режадан ошиқча галгани одамларга беринглар», дея таъкидлайдилар. Бироқ бу кўрсатмалар утган йили ҳам, ундан олдинги икки йил давомида ҳам сирдарёлик раҳбарларга таъсир қилмади. Пиловарида чорва ва парранда учун мўлжалланган, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашга яроқсиз галла ҳам тегиримонларга мажбуран топшири-

Бугуннинг гапи

тириб юборилди.

Бир ярим минг тонна! Бу айтишга осон. Ёзишга осон. Режадан ошиқча ана шу ҳосилни етказиш учун галлакор деҳқон салкам тўққиз ой меҳнат қилган. Бу рақам ёнига туман ва вилоят миқёсида галлакорлардан олиб қўйилган бугунги қўшадиган бўлсак, ана минглаб тонналар ҳосил бўлади.

Сўз — «Боёвут» ширкат хўжалиги раиси Ғофуржон Алиевга:

— Раҳбарнинг кимлиги, унинг омури меҳнаткашга қандай наф етказганлигию ана шу меҳнаткашнинг бир йил давомида қилган меҳнатини қай тарзда тақдирланганга боғлиқ. Махсуслик, дўқ-пўтиса, бақир-чақир билан деҳқоннинг қосаси оқармайди. Уни бир алдайсиз, икки алдайсиз, учинчи мартаба ана шу деҳқон сиздан қўлини ювиб қўлтига уради. Боядан бер гап нуқул биздан тортиб олинган бир ярим минг тонна бугдой атрофида айланди. Бу бежиз эмас. Энда «Меҳнат қил-да, миннат бўлармиди? Бу бежиз одамларнинг меҳнат қилишга қилилар-у, миннат қилишга ҳатто ултура олмай ҳам қолишди. Утган йилдан то бу йилга галла ўрнимигача кўпнинг кўзига қаролмай юрдик.

— Бу йилги аҳвол қандай? Назаримизда, одамларнинг кайфияти яхшига ўхшайди...

— Тонна-тонна бугдой олган деҳқоннинг кайфияти ёмон бўлармиди? Ҳар бир нарс таққослашга билинади. Утган йили режадан ошиқча галгани мажбуран оморга тўқдиришган. Бу йил оилавий пудратчи бўлишни, фермер бўлишни, режани бажарса бас, қолган ҳосил тўғри-

дан-тўғри одамларнинг ҳовлисига ташиб берилди. Яна бир гап, бу иш усули нафақат бизнинг хўжалигимизда, балки вилоят бўйича ҳам жорий этилди. Аниқроғи, чин дилдан меҳнат қилган одамлар уйларига ўн тонна, йигирма тоннадан дон туширишди. Юқоридан бирон-бир одам келиб, ундай қил, бундай қил, дея кўрсатма бермади. Бу иш усули янаги йил ҳам ўз самарасини беради. Уйига дон тушира олманган одам эндиликда жонини жаб-борга бериб меҳнат қилади. Ҳалол ва астойдил ишлаган деҳқон эса бу йилгидан ўн баравар кўпроқ меҳнат қилади. Бозор иқтисодиёти деган тушунчанинг асл мазмунини мана шу эмасми?


«Боёвут» ширкат хўжалиги 7 минг тонна галла етиштириб режани ошириб адо этди. Бугунча галлакорларга салкам бир ярим минг тонна галла тарқатилди. Хўжаликни З. Сувонқулов, С. Алибеков, Б. Тўлиев сингари оилавий пудратчилар, фермерлар ҳосилдорлики 55-60 центнерга етказишди.

— Бу йил бизга ўн бир тонна бугдой теги, — дейди оилавий пудрат раҳбари Б. Тўлиев. — Уч тонна бугдойни нон қилиб есак, қолганини бозорга чиқариб сотамиз. Ҳосилдан бўшаган ерларга картошка, сабзи, турп эдик. Бундай олиб қарасангиз, Янгир, Гулистон, Бекобод шаҳри бозорларидаги асосий кечки қовун-тарвузу картошка бизнинг хўжалиқдан чиқар экан. Хулоса шунки, бу йил на қилшан кўрқамиз, на қийинчиликдан...

Гал энди хулосага келди. Бир тасавур қилайлик. Омбори донга тўлган, қайта экин пахтадан мўмай даромад кўтарган деҳқон ёз алоғию куз ойларида даладан чиққиси келармикин? Бундай деҳқонда янада яхши ишлаш, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилиш истаги туғилмайдими? У энди талашса ҳосил учун талашади. Талашса ўзининг омури учун талашади. Бундай деҳқон, биз мақтасак-мақтасак, ижодкор деҳқон бўлади. У тонни далада уқро юлдузи билан қутиб олади. У тунда ариқ уватига ёнбошлаб тонни кутади.

Бўлаётган гап шунки, бундай деҳқон яратувчи деҳқондир. Бошқа сўзга на ҳожаат!

Аликун ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Хусанбой Абдуқодиров ширкатнинг «Эгаси бор юртининг эли халқ бўғай, Эгаси бор юртининг — эртаси бордир», деган шеърий мисраларини кўп такрорлайди. Истиқлол берган эмин-эркинлик, юртимизда турли жаҳада амалга оширилатган ислохотлар, бунёкорлик ишлари Қибрай туманидаги «Дўрмон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси Хусанбой акани ҳам тинчитмайди. У сира тиним билмайди. Ўзи қилаётган меҳнатидан мамнун яшайди. Зеро, у етиштиратган барча қишлоқ хўжалик экинлари халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўқин-сочилиги учун эканини яхши англайди. Шу ҳалол меҳнати тўғрисида ном таратгани ҳам бежиз эмас. Аслида Хусанбой Абдуқодиров сингари инсонлар эртаси бор юртининг эгаларидир.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ
олган сурат.

Талабалар учун тренинг

АҚШнинг Гарвард ва Жоржтаун университетлари маслаҳатчилари томонидан ўтказилган семинарда қирқ киши бозор институтлари, банк ва қимматли қоғозлар бўйича халқаро сертификат-

лар олди. Тадбир Ўзбекистон инвестиция институтлари миллий уюшмаси томонидан уюштирилди.

— Бу ўқув жараёнининг биринчи босқичи, — деб таъкидлади уюшма директорлар кенгашининг раиси Бахтиёр Тўхтабоев «Туркистон-пресс» мухбири. — Яна иккита тренинг курси ўтказиш режалаштирилмоқда. Унинг сўғитиси Веллингтон университетги талабалари учун ўтказилди.

Маҳаллий маҳсулотлар ярмаркаси

Пойтахтимизнинг Сирғали савдо марказида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ташаббуси билан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг ярмаркаси ўтказилди.

Огоҳлик масъулиятдир

Инсон билиб билмай гуноҳ иш қилиб қўйиши, ҳаёда қоқилиши бор гап. Ундайларга нисбатан кечиримли бўлиш яхши, албатта. Бироқ кўрсатган меҳрибонликка қарамай яна тўғри йўлдан тосса, қайта кечириш мумкинми? Гап шундаки, Президентимизнинг авф этиш тўғрисидаги фармонларидан сўнг террористик гуруҳларга алашиб кириб қолган юзлаб фарғоналиклар ватанларига, ота-оналари бағрига қайтишди. Бундан улар Ўртабшумининг бундай меҳрибонликларига тасанно айтишчи ўз меҳнатлари билан машғул. Лекин бу барикенгликни айрича тушунганлар ҳам топилаяпти. Хусусан, марғилонлик Ибодат Султонова, қувалик Муҳаммад Акбаровларнинг қилган таваб-тазаррулари му-

нофиқларга хос эканлигини уларнинг кейинги ҳаёти кўрсатди.

Фарғона вилояти фаолларининг бўлиб ўтган йилгилиши террористик воқеаларнинг олдини олиш, аҳоли тинчлиги ва оёсайишга йўналиш сақлаш, ҳушёрлик ва огоҳликни ошириш масалаларига бағишланди. «Огоҳлик масъулиятдир» мавзусидаги бу машваратда вилоятдаги ижтимоий-сиёсий вази-ят чўқур тақдир қилинди. Сўзга чиққанларнинг ҳар бири юқорида айтиб ўтилган ҳоллар ёшларга нисбатан доқайд, бефарқ бўлмасликини тақазо этаётти, дея алоҳида тилга олишди.

Анжуманда вилоят ҳокими Алишер Отабоев қатнашди.

Нобижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Буюк Британиялик саёхатчилар Тошкентда

9 июнь кунини Буюк Британиянинг Лютон шаҳридан йўлга чиққан Ричард Меридит ва Фил Мак Нерри 21 июль кунини Тошкентга етиб келишди.



Қарий 10 минг километрдан зиёд йўлни улар ДЭУнинг «Калос» номли автомобиллида босиб ўтишди. Ричард ва Фил Лютондан то Сеулгача бўлган саёхатини SOS Болалар маҳалласи халқаро хайрия ташкилотини қўллаб-қувватлашга бағишлаганлар.

— Ўзим ёзувчиман, — дейди биз билан суҳбатда саёхатчиларнинг каттаси Ричард Меридит. — Янги бошлаган «Кейинги йўл қандай бўлади?» асаримнинг 14-қисмини айнан шу саёхатимга бағишлайман. Мақсадимиз фақатгина шу эмас. ДЭУ Жeneral Моторс компанияси томонидан ажратилган 50 минг евро миқдориди ёрдамни мана шундай Болалар маҳалласига улаштирдир. Бундай маҳаллалар дунёнинг 130 дан ортиқ давлатларида бор. Биз шуларнинг саккизтасида бўлдик.

Бутун эрта тонгда йўлга тушган Буюк Британиялик саёхатчилар Афғонистон — Покистон — Ҳиндистон — Лаос — Вьетнам орқали Сеулга боришди. Шундай қилиб 73 кун давомида 24 минг километрлик йўл босиб ўтишди.

Дилмурод ПАРПИВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲУРРИЯТИМИЗ ҚАЛҚОНИ

қатъиятлилик ва фидойилик кўрсатмаганида, «Чин ўзбек иши» содир бўлмас эди!

Мақолани мутлақ қилар эканман, таажубдан ёқа ушлайман. Вожааб! Қип-қизил алвон рангда кўрсатилган собиқ «маф-куралашган тизим»нинг биз билган ва билмаган найранглари бисёр экан. Алоқат ва тенгликдан лоф урилган, бироқ унга заррача амал қилинмаган! Көкун тўғрисида айтилган, лекин унга риоия этил-маган, аниқроғи у ишламаган. Ҳамма нарсаси бизники, аслида ҳеч нарсаси бизники эмас. Қизик мантиқ. Ҳатто мақсалининг қўйилиши ҳам қалати: «Бутун дунё йўқсиллари бирлашингиз!» Ҳўш, нимага, нима учун? Худди тизимнинг ўзидек мавқум...

Мавзу ўта долзарб. Зотан, бугунги ҳуқуқий давлатда прокуратура органининг вазифаси конституциявий мақомада аниқ белгилаб қўйилган. Прокуратура органининг собиқ иттифоқ даврида қандай вазифаларини бажаргани ва унда кадрларнинг танланishi, мазкур «соҳа корчолонларининг» баъзи «хурмача қилиқлари», фаолиятлари аниқ фактлар орқали қаламга олинганки, бу бевосита ўша «тоталитар тизим» қонуқчилигининг башарасини рўй-рост кўрсатди.

Очгинини айтиш керак, мазкур мақола бевосита ҳуқуқ йўналишида ёзилган бўлса-да, у ҳар бир ўзбекини, ўзбекистонликни ҳаяжонлантириши, табиий. Негаки унда Ватан, юрт, миллат, мустақиллик

учун кураш, изтироб ва қувончлар акс эттирилганки, у ўқувчинлар мақолани доқайд, бефарқ ва юзак ўқишга изн бермайди. Энг эътиборли жиҳати — ма-саданнинг моҳияти, яъни биз эришган мустақиллик баъзи но-шуд кимсалар ўйлаганидек, «ма-сенга, бу сенга» қабилида осон-лик билан қўлга киритилмаган. Беқиёс имкониятта эга бўлган «ноҳақ тизим» осонликча ён бер-маслиги тайин эди. Бунинг учун катта жасорат, мардлик ва масъ-улилик лозим эди. Сиз билан биз бугун тасаввур қилишимиз қий-ин бўлган, халқимизнинг дард, армонига айланган ишга қўл уришга журъат етдиган мард ке-рак эди Ўзбекистонга. Ва у то-пилди ҳам. Бу — юртининг бугун-ги йўлбошчиси, бугунги ис-лохотларнинг бевосита ташаббус-кори Ислам Каримов эканлиги мақолада аниқ фактлар билан кўрсатиб берилган. Зеро, Прези-дентимизнинг ўз халқига ишон-чи, унинг келажагини кура би-лиши, матонатни, буқидмас иро-даси, бобокалонларимизнинг буюк қудрати ва маънавий ме-росидан куч олиб, ёш авлод ақл-дорлигига умид билан қараш ҳар бир юртдошимиз қалбиди қилаётган ишга ва эртани ну-

рафшон кунга ишонч бахш этади.

Табиийки, бугунги кунда фа-қат тил учунда «сохта обрў» ор-тириш ёки ҳисобот учун ёзилаёт-ган баъзи қалин-қалин «чўчмал», кераксиз китоблардан кўра, бу каби мақолаларнинг нафи кўпроқ теги-ши, тайин. Сабаби — биз, ёш ҳуқуқшуносларнинг ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишиши-миз учун, аввало, ҳақ ва ноҳақлик-нинг бор ҳолча билишимиз мақса-да мувофиқдир.

Мақолада фақат прокуратура соҳасида юз берган ҳолатларига на баён этилган. Аслида ўша муҳкам замонда қонуқчилик со-ҳасида, суд, ҳуқуқ тартибот со-ҳасида, бошқарув соҳасида қан-чалек ноҳақликлар содир этил-маган, дейсиз. Демак, мазкур мавзулар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Улар «Чин ўзбек иш» мақоласидаги фактик матери-алларга йўғрилиб, биз ёш ҳуқуқшуносларга тақдим этилса, яхши бўларди. «Яхши куннинг қалрига етиш учун ёмон кунни эсдан чиқарма», деган нақл бор. Шу маънода аччиқ ҳақиқатни билиш биз ёшларни чинқити-ради ва тоблайти. Ватанга, юрт-

дошларимизга нисбатан қўлла-нилан «қонуқий» қонуқчилик-ларнинг аҳамиятини чуқур ан-гашимизда асқотайди. Таъбир жоиз бўлса, бугунги ҳуқуқий ис-лохотларнинг ворислари сифати-да ҳам утган кунлардаги ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятдан бокабар бўлишимиз лозим. Шу-нингдек, «Бизларсиз ҳеч қаерга боролмайсиз», деган собиқ оғаларимизга бугунги ҳуқуқий давлат қуришдаги ишларимизни амалий жиҳатдан исботлашимиз ҳам асқотиши турган гап.

Мақолани ҳуқуқшунослар ўқисин, сиёсатдонлар ўқисин, иқтисодчилар ўқисин, раҳбарлар ўқисин, олий ишчи-деҳқонлар ўқисин, мухолифлар ўқисин, зи-ёлилар ўқисин, жабр кўрганлар ўқисин — ҳамма ўқисин. Ўқиб ўқисин. Ҳақиқатини англасин!

Ўйлаймикин, келгусида ҳуқуқ соҳасидаги бу каби фактларга боғ мақолалар кўпайверади.

Эшмухаммад ҚОДИРОВ,
ҳуқуқшунос,
Адлия вазирлиги
ҳуқуқий сиёсатни
мувофиқлантириш ва ўқув
муассасалари бошқармаси бош
маслаҳатчиси.

«Халқ сўзи» газетаси-нинг шу йил 22 июль со-нида берилган Озод Аббос-хўжаевнинг «Чин ўзбек иши» публицистик мақола-сини ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. Мақола ўзининг чуқур ҳаётий мазмундорли-ги, унда яқин тарихимиз-нинг мураккаб, таҳликали даври ўткир далиллар асо-сида юксак малака билан очиб ташланганлиги боис, киши қалбини ларзага со-лади.

«Чин ўзбек иши» ҳали кўпчиликка маълум бўлма-ган ҳақиқатлар билан биз-ни таништиради. Унда шундай воқеа-ҳодисалар, далиллар келтирилганки, улар ифшо салтанатининг, жирканч авантюристтик кирдиқорларини кўз ўнги-мизга яққол келтиради.

Айниқса, мустақиллиги-мизнинг шонли 12 йилли-ги тантаналари яқин-лашаётган кунларда газе-тада тарихнинг бундай ач-чиқ ҳақиқатлари очилган-лиги алоҳида бир кучга эга бўлиб, уларнинг таъсирида

биз мустақиллигимизнинг, дарҳақиқат, олий неъмат эканлигини янада чуқурроқ ҳис қиламиз.

«Чин ўзбек иши» янги тарихимизнинг яна бир ул-кан ҳақиқатида бағишлан-ган мақолада. Биз Президент Ислам Каримов-ни мустақиллигимиз асо-сиси, миллий қадримиз ва гуруримизнинг тикловчиси сифатида яхши биламиз ва ундан ҳаммиша миннатдор-миз. Шу билан бирга, «Чин ўзбек иши»да мустақиллик-ка эришишимиз осон бўлмаганлиги, бунда Юрт-бошимизнинг гоғтада чи-гал, мураккаб вазиғта на-қадар теран сиёсий донини-маңдлик кўрсатганлигини, унинг бундай юксак шах-сий сифатлари ҳам ибрат намунасига айланганлигини чуқур англаймиз.

«Чин ўзбек иши» фақат бир газета мақоласи бўлиб қолмай, ундаги маълумот-лар ёшларимиз — мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий таълим муассасалари-нинг талабалари онгига ҳам

Муносабат



етказилса, бунинг ижтимоий, маънавий ва маф-курвий самараси бош-қачароқ бўларди.

Сўзимини аяқулаб айт-моқчиманки, мустақил-лигимизнинг қадрлайлик. Мустақиллик бор экан, бошимиз баланд, қадим-из тик, йўлимиз ёруғ, келажагимиз ишончли-дир.

Мустақиллик бор экан, ҳеч бир зугумкор «Ўзбек иши» деган даъво билан қайта чеқа олмай-ди.

Матвуб ҚУШЖОНОВ,
академик.

КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ

Уларнинг мақсад-вазифалари нималардан иборат?

Кейинги йилларда талаб одат пайдо бўлди. Уч-тўрт аёл йиғилиб, фикри бир жойдан чиқадиган бўлса, дарҳол биттаси таклиф қилинади: «Гап» уйнаймизми? Даврадошлар бу фикрни қўлласа, ўртага пул йиғиш масаласи ташланади. У омма тилида «чёрная касса» деб аталади. Тупланган жамғармани ҳар ойда навабати билан бериши олади. Нима харид қилишни эса ўзи ҳал этади. Бироқ гоҳида йиғилажак маблағни «Биринчи бўлиб, мен оламан», деган тортишувга ҳам боришади. Аксарият ҳолларда ўша пул фақат уялфатлар даврасига сарфланади, ҳолос.

«Ишонч», Самарқандда «Хазина», Бухорода «Бухоро тadbirkори» фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Наманган, Тошкент вилоятларида ҳам ташкил этилган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, жиззахлик тadbirkор аёллар мамлакатимизда қалдирғоч кредит уюшмасини ташкил этган эди. У Марказий банк рўйхатидан ўтганига бор-йўри бир йил бўлди. Сайёра Хамдамова раислик қилаётган бу уюшма учун орда қолган давр тетапои йили бўлиб қолди. Бугунги кунда унинг аъзолари 315 кишидан

аъзоларига кредит-молия хизмати кўрсатишдан иборат. Балки сизда «Банклар ҳам шундай хизмат кўрсатади-ку?» деган савол туғилиши мумкин. Банк ўз кредитларини бериш жараёнида асосий эътиборни фойда олишга қаратади. Шунинг учун қарз олувчи корхонанинг тўлов қобилиятини синчиқлаб ўргангандан сўнггина кредит ажратади. Бундай уюшмалар бераётган кредит суммаси, уни қайтариш муддати ва фозиз ставкаси миқдори ҳўжаликлар ва уюшма аъзолари учун самарали ва фойдалидир. Тан олиш керак, банклар кредити халқ ҳўжалиги учун сув ва ҳаводек зарур. Лекин аҳолининг қатта қатламида майда молиявий ресурсларга эҳтиёж қатталигини ҳам ёлдан чиқармаган маъқул.

Қонун ва ижро

Кўнун ва ижро

— Ҳамма тadbirkорлик билан шуғулланаётган айна пайтда мен ҳам фойдали иш қилишни кўнунимга тугдим, — дейди жиззахлик Муҳаббат Шодмонова. — Биласиз, тижорат банкларидан кредит олиш анча мушкул. Қизим Дилдоранинг маслаҳати билан «Ишонч»га аъзо бўлдим. У ердагилар мақсадлини пухта ўрганишга, 300 минг сўмлик кредит беришди. Бу пулга қорамол сотиб олиб ўзим билан боқа бошладим. Кредитнинг устама фозизини улардан олганим сўт-қатқизи сотишдан тушган маблағ ҳўсобига ойма-ой тўлаб қўйолдим. Энди келажакда йирикроқ қийматда кредит олишни ўйлаётганман. Ниятим амалга ошса, «чорвачилик фермаси очиб тadbirkорлик фаолиятини кенгайтираман.


Тўғри, «Ишонч» кредит уюшмаси тўлиқ тараққиёт йўлига чиқиб олди, дейишга ҳали бир оз вақт бор. Лекин, ҳар ҳолда, раисю мухтаасисларининг елиб-югуриши боис ҳозирга қадар аъзоларига ўн икки миллион сўмдан зиёд кредит бергани унинг дастлабки қаламлари беса-мар кетмаётганидан далолат беради.

Кредит уюшмаларининг яна бир афзаллиги томони — буш пул маблағлари иқтисодиётга, аъзоларининг турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилади. Марказий банкнинг кредит уюшмалари лицензия бериш ва уларни тартибга солиш бошқармасидан олганим маълумотга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда шундай 11 та уюшма мавжуд. Улар ўз аъзоларига фақат кредит ажратиш билан чекланиб қолмасдан, балки омонат турларини ҳам жорий этмоқда. Аҳоли қўлидаги буш маблағларни ишлаб чиқаришга жалб қилмоқдалар. Яна бир гап, кредит уюшмаларининг юқори даромадли омонат турлари эндиликда тижорат банклари ўрта-сиз рақобатни ҳам вужудга келтирмоқда. Улар кредит портфелидаги ресурсларнинг асосий қисмини қишлоқ ҳўжалигига, истемол кредитларига ажратмоқдалар. Негаким, мамлакатимиз кредитлар тазоридоги эҳтиёж айнан шу тармоқларда самарали кечапти.

Эҳтимол, «Ташкил топаётган кредит уюшмалари фақат ўз аъзоларига кредит ажратса, бошқалар учун бунинг нима қизғи бор?» қабилидаги савол ҳам хаёлингиздан ўтаётган. Агар бу борадаги қўнун билан яқиндан та-нишсангиз, ҳар бир фуқаро шундай кредит уюшмаси очи-ши мумкин эканлигига амин бўласиз. Энг муҳими, кредит уюшмалари жамият ривожига ўз улушини қўша бошлайди. Қўнунинг аҳа-мияти бош мақсади ҳам ана шунда...

«Халқ сўзи» мухбири.

Худойберди ЭШМАНОВ,



Тойлоқ туманидаги «Тони Грөө» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси мамлакатимизда етиштирилаётган ёз неъматлари — меваларни қайта ишлаб, мураббо, компот каби консерва маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган. Жамоада 112 киши меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқарилаёт-



ган маҳсулотнинг 90 фоизи хорижга экспорт қилинмоқда. СУРАТЛАРДА: корхона цехларидан бирида; ишчи За-рема Қосимова. Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олан суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ 5-ЖИЛДИ НАШРДАН ЧИҚДИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан мамлакатимиз маданият ва илмий ҳаётида яна бир муҳим воқеа рўй берди. Кўп жилли универсал Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг навбатдаги 5-жилди нашрдан чиқди.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 5-жилди «К» ҳарфининг 2-ярми, «Л» ҳарфи, шунингдек, «М» ҳарфининг биринчи ярмидаги мақолаларни ўз ичига олади. Унда жами 4 мингта яқин мақола бўлиб, умумий ҳажми 130,5 нашриёт-ҳисоб табоғини ташкил этади. Шунинг қарийб 93 табоғи матн, 37 табоғи безак материалдир.

5-жилда ижтимоий ва гуманитар фанлар салмоқини ўрнатилади. Хусусан, тарих фанлари соҳасидан 435 мақола тайёрланган, 5-жилдиннг тарих, археология ва этнография оид мақолаларини тайёрлашда мамлакатимизнинг этакчи олимлари иштирок этиди. Бунда, айниқса, Ўзбекистон тарихи, туркий халқлар тарихи, ўзбек халқи қадриятларини ёритишга жиддий эътибор берилди. Илмий адабиётларда турлича фикрлар билдириб келинган ёки кам ўрганилган мавзуларни сўнги тадқиқотлар асосида умумлаштириб, энциклопедия саҳифаларида бериб беришга алоҳида урғу қилин-япти. Масалан, соҳанинг энг долзарб, назарий мақолаларида «Манбаъшунослик», «Кўчманчилик», «Миллат» каби мақолалар бутунлай янгича методология асосида тайёрланди. 5-жилда тарих соҳасидан, шунингдек, «Кўҳақий»,

«Крурона гузалари», «Кўчкун-чирон», «Дулилар», «Маждид-дин Муҳаммад», «Маҳмуд Яла-воч», «Мадаминбек», «Кучум-хон», «Куктепа», «Маллоҳон», «Кувёкўрғон», «Кучуктепа», «Мамун», «Қушон подшоли-ги», «Лашкар қўшбегии» каби мақолалар ўрин олди. Шу-ролар тузуми даврида қадагон қилинган истиқлол курашчи-лари ҳақида ҳам ушбу жилда мақолалар берилмоқда. Булар қаторига «Маҳмудов», «Мир-жалолов», «Миршапов» лар-ни келтириш мумкин.

Маданият ва санъат соҳа-сидан 382 мақола ўрин олди. Булар орасида «Қулоллик», «Меъморлик», «Маросим қўшиқлари», «Маданият ва маърифат иши», «Кутубхона», «Кутубхонашунослик», «Ма-қом», «Мақом раски», «Ма-қом» ансамбли, «Миниатора», «Минора» каби йирик мақо-лалар бор. Ўзбекистондаги ва хориждаги асосий мусулмон обидалари махсус мақолаларда берилди. Мазкур жилда бу-лардан «Лангар ота мақбара-си», «Мадинат ас-Захра са-ройи», «Мир араб мадраса-си» ва бошқалар бор. Шунингдек, 5-жилда мезонга мувофиқ Ўзбекистон халқ артистлари, халқ ҳоҳиллари, Ўзбекистон санъат арбоблари, Ўзбекистон халқ rassомлари, халқ устала-ри ҳақида мақолалар берилган. Тил ва адабиёт, маъбуот со-ҳасидан 270 мақола берил-япти. Булар орасида «Лингвистика», «Луғат», «Мавзу», «Матбуот», «Матбуот эркин-ли-ги» каби йирик мақолалар бор. Туркишунослик илмининг асос-сиси Қошғари, мутвоз ала-биёт вакилларидан Луғтий,

Машраб, Махмур ва бошқалар ушбу жилдан ўрин олди.

Фалсафа ва ҳуқуқ, дин ва динлар тарихидан эса 233 ма-қола берилди. «Мангит», «Маърифатчилик», «Мадания-ят», «Материя», «Метафизика», «Марксизм», «Маънави-ят», «Материя», «Материализм», «Миллий мафкура», «Миллий ғоя», «Конституция», «Маҳаллий давлат ҳокимият органлари», «Криминология», «Маҳалла», «Мавлуд», «Мак-руҳ», «Маҳшар», «Масжид», «Мадраса», «Мехроб», «Қуфр», «Лукмон», «Мазҳаб», «Қубро», «Қубровийлик», «Луғтулоҳ Қустий» мақолаларидан ўқув-чилар кўпгина янги маълумот-лар олади.

Иқтисодиёт соҳаси бўйича 136 мақола берилди. Улар орасида «Қўп уқладли иқтисод-лиёт», «Макроиктисодиёт», «Микроиктисодиёт», «Марке-тинг», «Менежмент», «Миллий ҳисоблар тизими», «Миллий бойлик», «Миллий иқтисод-лиёт», шунингдек, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Н.И.Кучерский, К.Мамажонов ҳақидаги мақо-лалар ҳам бор.

5-жилд мақолалари умумий ҳажмининг қарийб ярми таби-ий ва техника фанларидан иборат.

География, геология ва гео-физика соҳасидан 820 мақола берилди.

Маҳаллий ва оригинал ма-қолалар қаторига Ўзбекистон-даги туманлар, шаҳар ва ша-ҳарчалар, қишлоқлар (яъни ту-ман марказлари), шахслар, тур-минлар, горлар, конлар, хори-жий давлатларнинг маъмурий бўлиналари (Германия ерла-ри, Хиндистон штатлари), та-биий ўлкалари, Макка ва Ма-

дина шаҳарлари ҳақидаги ма-қолаларни киритиш мумкин. 5-жилда 29 мамлакат ҳақида ма-қола кирган (Қуба, Латвия, Литва, Мароқаш, Малайзия, Мексика, Мавритания ва бош-қалар).

Физика, математика ва тех-ника соҳасидан 492 мақола бе-рилди.

Мақолаларни тайёрлашда маҳаллий материаллардан кўпроқ фойдаланишга, фан та-рихига ўзбек аъломалари ва олимлари қўшган ҳиссаларини, қадимий сўрош иштиролари ҳақидаги маълумотларни ёри-тишга аҳамият берилди. Мас-алан, «Математика» мақоласи-да ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём каби ал-ломалар ва Т.А.Саримсоқов, С.Х.Сирожидинов ва бошқа-лар, «Механика» мақоласида Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний каби алломалар ва Х.Раҳматуллин, М.Урозбо-ев, Ҳ.Усмонов, В.Қобулов ва бошқа ўзбек олимларининг бу фанларга қўшган ҳиссалари баён этилган. Бундан ташқари, 5-жилда «Космонавтика», «Металлургия», «Метрополи-тен» каби йирик мақолалар бе-рилган.

Биологиядан 180 та, қиш-лоқ ҳўжалигидан 230 та, қиш-дан 122 та, тиббиётдан 216 та мақола ҳам ўрин олган.

5-жилда 747 безак матери-ал (рангли, оқ-қора сурат, ха-риталар) берилди. Уларнинг кўпи оригиналдир. Расмлар мазмунига ва сифатига эъти-бор кучайтирилди. 5-жилд ма-қолаларини тайёрлашда 500 дан зиёд муаллиф иштирок этиди.

Ҳозир навбатдаги жиллар устида қизғин иш кетмоқда.

(ЎЗА).

Хабарлар оқимидан

Янги йўқув даргоҳи

Олтисой туманида са-ноат йўналишидаги касб-хўнар коллежи фойдаланиш-га топширилди. Бу билан вилоятдаги касб-хўнар колле-жи сони 28 тага етиб, 800 ўқувчига мўлажалланган ушбу билан даргоҳда янги йўқув йили учун қабул иш-лари қизғин.

Ш. БОЙМУРОДОВА, ЎЗМУ талабаси.

«Голливуднинг олтин асри»

Поиттахтимиздаги замонавий санъат марказида «Голливуднинг олтин асри» деб номланган шакатлар кўрғазмаси очилди. Шу йилнинг 10 августига қадар давом этадиган ушбу кўрғаз-ма аввалда Америка кино-ижодкорларининг «Голли-вуд тарихи», «Номаълум Чилин» сингари ҳужжат-ли, «Кичкинтой», «Фуқаро Кейн», «Касабанка» син-гари бадиий киноленталари намойиш қилинди. Кўрғаз-ма АҚШнинг мамлакат-имиздаги элчихонаси кўмаги-да ташкил этилди.

М. ТОЖИЕВА.

Қамолотчилар учрашувини

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яқсарой туман бўлими, Ислом уни-верситети талбалари, «Ра-кат» масжиди оимолари ҳамда туман иедагог-тарбиячилар маркази ҳам-корликда маҳалла фуқаро-лари билан «Ислом-ўзе-бим сиймоси» деб номлан-ган учрашув ўтказиб кел-моқда. Қўн кеча бу тadbirkор туманининг Қўнбегий маҳал-ласида бўлиб ўтди. Унда ма-ҳалла эҳди фаол иштирок этиди. Ёшларнинг Ислом дини моҳиятини тўғри ан-длашлари, турли оқимларга билиб-билмай кириб кетиш ҳолларини олдини олиш мақсадида уюштирилган уч-рашувда долзарб мавзулар кўтарилиб, исломнинг тер-роризм ва экстремизмга бўлган муносабати, Ислом динида ахлоқ-одоб қонда-лари, аёл ва эркак муноса-батлари, фарзанд тарбияси, халқ ва Ватан олдидаги масъулият каби масалалар-га тўхталиб ўтилди.

Қамолот МИРЗААХМЕТОВА, ЎЗМУ талабаси.

Садаам Ҳусайннинг ўғиллари ўлдирилди

Ироқнинг собиқ диктатори Садаам Ҳусайннинг ўғиллари Улай ва Қусай Мосул шаҳрида АҚШ қўшинлари томонидан ўлдирилди. АҚШ қўроли куч-лари қуруқлик қўшинлари кўмондонининг айтишича, улар яширинган жойни Мосул фуқароларидан бири кўрсатиб берган. Америка армия гене-рал лейтенанти Рекардо Сан-чесининг таъкидлашича, ака-уканинг жасадлари аниқлаб бўлиданг даражада.

Си-Эн-Эн янгиликлар хиз-мати ахборотларига қараганда, жасадлари шахсини аниқлаш-да Садаам Ҳусайннинг собиқ хотини бўлиб ишлаган Обид Ҳамид Маҳмуд ал-Текритий ёрдам берди. Воқеалар ривож-и жойида қўлда камераси бил-дан пайдо бўлган теледиде-но операторларидан бирининг сўзларига қараганда, Америка ҳарбий кучлари қароргоҳга ки-ритилмаганидан кейин қамал-ни бошлаб юборишдан ва жид-дий қаршилликка учрашган. Санчесининг айтишича, Аме-рика ҳарбийларининг тўрт бата-льони олти ярим соат давоми-да Мосул шаҳрининг жануби-да жойлашган қароргоҳни қамал қилишган.

Ал-Ҳазира телеканалининг хабар беришича, америкалик-лар қароргоҳга бостириб ки-ришганда Улай ва Қусай ҳамда Ҳусайннинг катта ўғли Муста-фо тан қўрқинчилардан бири билан ўша ерда бўлишган.

Хурийд РАУПОВ.

«...СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАҚИҚЛАНДИ»

(Музработ тумани ҳокимининг қароридан)

«Биринчи навбатда қишлоқ жойларида болалар жисмоний тарбия ва спортнинг моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тар-моғини барпо этиш...»

Президентимизнинг «Ўз-бекистон Болалар спортини рив-ожлантириш жамғармасини ту-зиш тўғрисида»ги Фармонида белгиланган бу вазифага уйғун равишда Музработ тумани ҳоки-ми Рамазон Худойбердиев 2002 йил 18 декабрь кўни «Музработ туманидаги «Қишлоқ соғлом-лаштириш спорт клуби»нинг биноларини ер майдонлари билан биргаликда баҳолаш, рўйхат-га олиш ва эгалик ҳуқуқини бе-риш тўғрисида»ги қарорга қўл қўйди.

Унда туман бинолар, иншо-отлар ва ер давлат кадастри бўлимига тумандаги Собиробод қишлоғи марказида жойлашган умумий ер майдони 10310 квад-рат метр бўлган қишлоқ соғлом-лаштириш спорт клубини рўйхатга олиб, эгалик ҳуқуқи берилиши билдирилган эди.

Бу, ўз навбатида, ҳокимнинг «С.Сатторов номи фермер ҳўжаликлари уюшмаси ҳудуди-даги фойдаланилаётган 4-уча-сткиси гаражи ер майдонига спорт иншоотлари қуришга рух-сат этилсин» деб берилган 2000 йил 15 декабрдаги 625 ҳамда «С.Сатторов номи фермер ҳўжаликлари уюшмасининг 4-бўлимида «Қишлоқ соғломлаш-тириш спорт клуби» ташкил этилсин ва Низоми рўйхатга олинсин» деб берилган 2002 йил 6 июндаги 212-қарорларини қўллаб-қувватловчи ҳужжат эди. Ва, бу ҳужжатлардан қишлоқ одамлари, айниқса, ёшлар дўпчиларини осмонга отиб хур-

санд бўлган эдилар. Шу хурсандчилик баробарида улар собиқ трактор гаражининг имо-ратини имкон қадар таъмирла-дилар. Тракторларнинг ярқисиз темирларини пайвандаб, узла-рига шпанга асдиқлар. Қўл тўли учун дарвоза ўрнатдилар. 9-умум-ий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Толиб Аминов клубга стол тен-нисини ва кураш тушалиган ги-ламларни олиб келувди, спорт тўғрақлари янаям кўпайди. Бўш вақтларида ўзини қаёққа уриш-ни билмаган ёшлар энди кечку-рунлари бу ерга келиб завқ би-лан машқ қилишга одатланиш-ди. Тараф-тарф бўлиб мусоба-қаларга тушувди.

Ана шундай кўнунларнинг би-рида ободонлаштириш юзасидан энди у-бу ҳомийлар билан тил топиша бошлаган клубнинг ус-тидан гап қўзғалди. Эски гараж-нинг ўрни қишлоқ спорт маж-муи учун номувофиқ жой эмиш. Бу жойнинг бир чеккасида ўтган юқори кучланишдаги электр ли-нияси кўпчилигининг умрига ва саломатлигига завол бўлмасли-гига қафолат йўқ эмиш. Спорт мажмуининг ишлари одамлар-нинг тинчлини бузаётганмиш.

Спорт мажмуи раҳбарлигини зиммасига олган тегишли ҳуж-жатларни расмийлаштираман деб идорама-ндора бир йил чо-пган Толиб Аминовни бу гаплар шошириб қўйди. Лекин у ўзини йўқотмади: «Янгибод» сув иш-лаб чиқариш ва сотиш бош-қармаси спорт майдонидоги электр устунини майдончадан четта қўчиришга рухсат этди.

Вилоят табиятни муҳофаза қилиш қўмитаси объектда, яъни

қишлоқ спорт мажмуи жойлаш-ган ҳудудда «атмосфера ҳаво-сига салбий таъсир кўрсатадиган манбалар мавжуд эмас», деган хулосани тақдим этди. Туман давлат санитария-эпидемиоло-гия назорати маркази хулосаси ҳам шунга ўхшаш бўлди.

Бироқ туман ҳокими бу гал ел-верига қараб ўтирмади. 2003 йил 2 май кўни у ўзининг биз юқорида эслатиб ўтган 652 ва

212- сонли қарорларини ва шу қарорлар асосида Собиробод қишлоғи спорт клубига берил-ган мулкка (бинога) ва ерга эга-лик қилиш ҳуқуқини қафолат-ловчи IS 016023, CD 009445-сонли тўвоҳномаларни бекор қилиш ҳақидаги 61-қарорга имзо тортиб юборди.

Эътибор қилинг: атиги 130 кун ичида бири иккинчисини бекор қилишга қаратилган ик-кита ҳужжат — иккита қарор. Икки хил тўхтам тушунмовчи-ликларни, тортишувларни кел-тириб чиқарган. Бир томон таш-ландиқ жойни обод қилишга киришган бўлса, яна бир томон уларнинг раъйига тўғаноқ бўлган. «Спортнинг йиғишти-риб ол» деб, ҳокимиятнинг эши-гини қаттқ тақияллатган, Нати-жа кўриб турганингиздай: қиш-лоқда спортни ривожлантира-ман, деганларнинг эмас, эшик-нинг қаттиқроқ тақияллатганлар-нинг важдари амал бўлиб қолган.

Ўз қарорларини бекор қилишга қаратилган қарорини

қилинганидан олдин маълум эди-ку? Бу қарорга нега ўша пайтда амал қилинмади? Эки электр симёғочларини бошқа жойга қўчириш мумкинлигига қаратилган тadbirkор нега эъти-бор берилмади?

Масалага дахлдор биродарла-римиз бу саволларга энди елка учурибгина жавоб қайтармоқчи бўладилар. Ҳокимнинг қарориди спорт клубининг ер участкаси С.Сатторов номи фермер ҳўжа-ликлари уюшмаси ворисига бўлган «Таскент» ҳўжалигига қайтариб берилсин ва мазкур ерда болалар ва ёшларнинг спорт мусобақаларини ўтказиш тақиқ-лансин, дейилган.

«Таскент» ҳўжалиги фўзга қайтарилган ердан қандай уйи-даланиш тўғрисида бир тўхтам-га келгани йўқ. Аслида ҳўжалик шу бир қарич ерга зор бўлиб ҳам ўтигани йўқ.

— Ана, ҳўжаликка қайтарил-ган ернинг бири бўлагига шу спорт клубини ёмон кўрган бир акаимиз маккажўҳори экиб қўйди, — дейди Хурийд Нас-

риддинов деган 20 яшар пол-ковисифат йиғит. — Мана бун-дай (у бош бармоғини кўз-кўз қилиди) кураш тўғрагимиз бор эди. Ҳоким бобонинг «тақиқ-лансин» деган ҳўкмиларидан шаштимиш сингандай бўлди. Кўрасиз, энди шу ерни туман қорчалонлари томорқа қилиб олишди.

— Мен теннисга қизикман, — дейди қишлоқдаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг ўқув-чиси Хадриддин Каримов. — Клубда болаларни теннисга ўргата бошловдим. Шу ерда кат-та теннис майдони қурилсами девадик. Бўлмади...

— Мактабидоғда спорт зали бор экан. Уша ерда...

— Мактабдаги бошқа, — дей-ди Хадриддин. — Спорт майдо-ни маҳаллада, қишлоқда ва хар-бир уйда бўлса. Ана шунда...

— Биз, ёши элликлардан ош-ганлар учун волейбол қўлай. Во-лейбол тўғрагини очмоқчи эдик. Фермерлар командасини тузмоқчи эдик — бўлмади. Бу жойда энди томорқачилар ко-мандаси жавлон уради, — деди жисмоний тарбия муаллими То-либ Аминовнинг отаси Эргаш фер-мер.

Биз шу ерда «Деҳибало - на-зари» маҳалла фуқаролар йиғи-ни раиси Маҳмуд Тошмуродов билан сўхбатлашамиз. Очиғи, яқиндагина қишлоқда спорт клубининг очилиш ташаббуси-ни маҳалла аҳли яқилдик би-лан қўллаб-қувватлайди, деб турган маҳалла оқсоқолининг бу галги гаплари жуда муҳим бўлди. У эски гараж майдонини маккажўҳори эккан ва эмоқчи бўлаётган фуқаролар томорқага

эҳтиёжманд эканликларини уқтирмоқчи бўлади.

Туман ҳокимига биз муноза-ралар туздирган шу ерни, ал-батта, спорт мажмуига бериш лозим дедоқчи эмасмиз. Ер ўзлариники. Клуб қурадиларми, томорқага айлангандиларми — ихтиёрлари. Фақат... Қарор чи-қаришдан олдин етти ўлжаб бир кесмоқ керак.

Мавзумизга алоқадорроқ бўлгани учун туман ҳокимининг бундан уч йил аввал чиқарган «Ат-Термизий» номи ширкат ҳўжалигини тугатиб, уни «Меҳ-нат-роҳат» хусусий корхонаси ихтиёрига ўтказиб юборишга қаратилган 549-қарорини эслаб ўтамиз. Ҳўжалик суди бирму-нча вақт ўтиб бу қарорни гайри-қонуний деб топди ва пай улу-ши ҳамда дивидендлардан бе-насиб қолаётган ширкатчиларга ўз ҳўжаликларини ва ҳуқуқла-рини қайтариб берди. Шу би-лан бирга, ҳанузгача икки қўшни ҳўжалик субъекти ўрта-сида, аввал тотув яшаб келган фуқаролар ўртасида тортишу-вумузара тўхтагани йўқ. Ҳамон судга қагнайдилар: гоҳи Термиз-га, гоҳи Тошкентга.

Ғиштни қопидан кўчирган қарорнинг муаллифи бўлса бу манзарадан ҳамон паршон. Бир варақ қозоғу битта имзодан бир туяга юк бўладиган даъволар ажримлардан паршон.

Бу паршонликларни кўриб ҳазрат Рудакийнинг

Агар Фаҳад на бошар, Дунё томоша бошад, — деган мисралари хотирангиз-га қуйилиб келгандай бўлади. Соққон отишни билмаган ҳам бошига, ҳам оёғига зарб елди, деган ҳикматни ҳам эслаб қоласиз...

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

риддинов деган 20 яшар пол-ковисифат йиғит. — Мана бун-дай (у бош бармоғини кўз-кўз қилиди) кураш тўғрагимиз бор эди. Ҳоким бобонинг «тақиқ-лансин» деган ҳўкмиларидан шаштимиш сингандай бўлди. Кўрасиз, энди шу ерни туман қорчалонлари томорқа қилиб олишди.

— Мен теннисга қизикман, — дейди қишлоқдаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг ўқув-чиси Хадриддин Каримов. — Клубда болаларни теннисга ўргата бошловдим. Шу ерда кат-та теннис майдони қурилсами девадик. Бўлмади...

— Мактабидоғда спорт зали бор экан. Уша ерда...

— Мактабдаги бошқа, — дей-ди Хадриддин. — Спорт майдо-ни маҳаллада, қишлоқда ва хар-бир уйда бўлса. Ана шунда...

— Биз, ёши элликлардан ош-ганлар учун волейбол қўлай. Во-лейбол тўғрагини очмоқчи эдик. Фермерлар командасини тузмоқчи эдик — бўлмади. Бу жойда энди томорқачилар ко-мандаси жавлон уради, — деди жисмоний тарбия муаллими То-либ Аминовнинг отаси Эргаш фер-мер.

Биз шу ерда «Деҳибало - на-зари» маҳалла фуқаролар йиғи-ни раиси Маҳмуд Тошмуродов билан сўхбатлашамиз. Очиғи, яқиндагина қишлоқда спорт клубининг очилиш ташаббуси-ни маҳалла аҳли яқилдик би-лан қўллаб-қувватлайди, деб турган маҳалла оқсоқолининг бу галги гаплари жуда муҳим бўлди. У эски гараж майдонини маккажўҳори эккан ва эмоқчи бўлаётган фуқаролар томорқага



Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин одамларнинг саёхатга бориш, дам ва таълим олиш, хизмат сафарларига чиқиш, даволаниш, меҳнат қилиш, шунингдек, вақтинчалик яшаш учун чет давлатларга чиқиши кўпайди. Шу боис уларнинг хорижда жамғарган маблағларини ўзлари республикамизга олиб кириши, яқин оила аъзолари ва қариндошларига етказиб бериши ёки ақсична маблағларини четга юбориш мақсадида мамлакатимиз молия бозорига бир неча халқаро пул жўнатиш тизимлари жорий қилинди.

Хориж билан ҳамкорликда

«Турон» банкнинг улуши ошмоқда

Кейинги пайтда пойтахтимиздаги баъзи транспорт воситаларида «Турон» банкнинг «Western Union» усулида дунё бўйича валюта маблағларини жўнатиш тўғрисидаги рекламаси пайдо бўлдики, бу кўпчиликнинг эътиборини тортган бўлиши, табиий. Бундай замонавий, жаҳон андозлари талабларига жавоб берадиган пул жўнатиш усули мамлакатимизда биринчилардан бўлиб ушбу молиявий муассасада қўлланилган эди. Эндиликда фуқароларимиз банкнинг Тошкент, Андижон, Бухоро, Самарқанд шаҳарларидаги филиалларида бундай қўлайликдан фойдаланмоқдалар. Келгусида барча бўлимларда мазкур усулни жорий этиш кўзда тутилмоқда. Эътиборлиси, жорий йилнинг ўтган даврида «Western Union» тизимида одамлар хориж давлатларидан 1,1 миллион АҚШ доллари миқдорига пул қабул қилиб олдилар.

«Турон» банк универсал банк мақомига эга бўлиб, мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналарга хизмат кўрсатади. Бугунги кунда мамлакатимизда унинг 16 филиали, 31 мини банки, 46 жамғарма кассаси ва 19 валюта айирбошлаш шохобчаси фаолият юритапти. Мижозлари сони эса 8737 тани ташкил этади.

Банк томонидан кўрсатилаётган хизмат даражаси охири бораган сайин ажратилган кредит маблағлари миқдори ҳам ортиб бормоқда. Масалан, жорий йилнинг олти ойида банкнинг жами кредит қўйилмалари 9, 287 миллион сўмни ташкил этиб, шундан берилган

маблағларнинг 5141 миллион сўми кичик ва ўрта бизнес корхоналарига тўғри келади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг таққосланаётган даврига нисбатан 1,4 баравар кўпдир.

Молия муассасаси қимматли қоғозлар бозорига ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Ярим йил давомида 229,2 миллион сўмлик юқори ликвидли, қисқа муддатли давлат облигациялари, 300 миллион сўмлик депозит сертификатлари, 220 миллион сўмлик корхоналарнинг корпоратив облигациялари сотиб олингани шундан далолат беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида барқарор фаолият кўрсатиш ва мижозларга узлуksиз хизмат кўрсатишда банкнинг ўз маблағлари усиб бориши ҳам катта аҳамиятга эга. Шундан қилиб чиқиб, «Турон» банк мазкур йўналишда муайян ишларни амалга оширмоқда. Натижада унинг маблағи мунтазам кўпайиб бормоқда. Шу кеча-кундузда эса банкнинг жамланма маблағи 3100 миллион сўмни ташкил қилади. Шунингдек, унинг низом жамғармасини кўпайтиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда 1 миллиард сўмлик банкнинг бешинчи эмиссияли акциясини чиқариш режалаштирилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 169,7 миллион сўмлик акциялар жойлаштирилди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Қисқа муддатли, юқори даромадли омонатларнинг жорий этилаётганлиги боис банкка пул

қўяётган одамлар сони ҳам ортиб бормоқда. Масалан, «Кафолат», «Шодлик», «Байрам», «Олтин булок», «Умид» омонатларининг даромад миқдори 42-60 фоиз қилиб белгиланган. Шу йилнинг иккинчи чорагида 28-48 фоиз фойда берадиган, муддати бир ойдан уч йилгача бўлган «Имконият» омонати жорий қилинган. Икки ойда ушбу омонатга фуқаролар томонидан 744 миллион сўм маблағ қўйилди. Умуман, жорий йилнинг ўтган даврида омонатларга 1852 миллион сўм миқдорига маблағ жалб қилинди. Яқинда очилган «Автокредит» омонатига ҳам одамларнинг қизиқиши ортиб бормоқда. Унга ҳозиргача 313 миллион сўмдан зиёд пул қўйилди.

Мижозларга янада қўлайлик яратиш, хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш мақсадида минни банклар сони кўпайтирилмоқда. Жорий йилнинг олти ойида 5 та ана шундай шохобча очилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Ушбу мўъжаз банкларда барча операциялар амалга оширилмоқда. Шунингдек, банкда коммунал тўловларни қабул қиладиган ва бошқа хизматлар кўрсатилган 46 жамғарма кассаси фаолият кўрсатмоқда.

Хизмат турларини янада кенгайтириш ва уларнинг сифатини ошириш борасида иш олиб борилмоқда, — дейди банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Қосим Муҳаммадиев. Ишмиизда Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лас-тур вазифасини ўтамоқда. Бу

албатта, ўз самарасини берапти. Мақсадимиз келгусида жамоамизнинг халқ хўжалигини ривожлантиришга қўшаётган улушини янада кўпайтиришдир.

Шунингдек, молия муассасаси пластик картчалардан фойдаланиш ҳисобига нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантириш бўйича Банклараро мувофиқлаштириш кенгашига аъзо ҳисобланади. Шу билан бирга у нақдсиз электрон ҳисоб-китоб қилиш тизимини жорий этиш бўйича лойиҳани қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам музоқора олиб борапти. Ушбу усул билан пластик картчаларни муомалага чиқариш, банкматлар сотиб олиш, шу билан бирга савдо жойларида пластик картчаларни қабул қиладиган терминаллари ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

Молия муассасасида мамлакатимиз Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида дебитор-кредитор қарзларни камайтириш борасида ҳам режа бўйича иш олиб борилмоқда. Бунда айниқса, факторинг операцияларининг қўлланилаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида шу мақсадга 1277 миллион сўм миқдоридagi маблағлар йўналтирилди, улар корхона ва ташкилотларнинг айланма маблағларининг ошириш ҳамда қарзларни камайтириш имконини берди. Бир сўз билан айтганда, банкда хизмат турлари кўпайиб, унинг халқ хўжалигини ривожлантиришга қўшаётган улуши ортиб бормоқда.

Ҳосил КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Сув париларимиз» Олимпиада ўйланмасига интилишмоқда

Шу йилнинг 13 июлидан бошлаб, Испаниянинг Барселона шаҳрида сув спортининг барча турлари бўйича 10-жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Бошқа кўпгина халқаро мусобақаларда муваффақиятли натижаларга эришганлиги учун, ФИНА томонидан келган таклифномага биноан 161 давлат қаторида Ўзбекистон

синхрон сузиш миллий терма жамоаси ҳам ушбу дунё биринчилигида қатнашишга муваффақ бўлди. Бу вақтларимизнинг ушбу спорт тури бўйича жаҳон чемпионатида илк бор иштирокчидир. Спортчиларимиз иштирокчилар орасида энг ёш бўлишлари қарамай, Барселонада яхши натижаларни қайд этишди.

Эндигина 16 ёшга тўлган Дарья Можаева ва Наталья Корнеева синхронча сузишда ўз маҳоратларини намойиш этиб, 2004 йил Афинада бўлиб ўтадиган Олимпиадани олдинги саралаш баҳсларига йўлланмани қўлга киритишди.

Ўз мухбиримиз.

Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси томонидан «Обод маҳалла — эзгулик бешиги ва тарбия ўчоғи» мавзусидаги плакатларнинг янги туркуми яратилди.

Тасвирларга кўчган мавзулар

Ундан «Обод маҳалла чинакам тарбия ўчоғи», «Милиция таянч пункти-тинчлик ва осойишталик гарови», «Тадбиркорлик — фаровонлик манбаи», «Балалар спорти» каби мавзулардаги туркум суратлар ўрин олган. Эндиликда ушбу плакатлар республикамиздаги барча маҳаллаларга етказилди.

М. ТОЖИЕВА.

Нуронийлар хизматиде

Юқори Чирчиқ туманининг Аҳмад Ясавий ширкат хўжалиги марказидаги Суранкент қишлоқ шифохонаси қайта таъмирланиб «Нуроний» физиотерапия шифохонасига айлантирилди. Шифохонада бир йўла қирқ нафар қари-нинг даволаниши ва дам олиши учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Латиф МАНСУРОВ.

SHAYHONTONUR TEXTILE

AYGEN COLLECTION

МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

Аёллар, балалар ва эркаклар учун юқори сифатли спорт ва трикотаж кийимлари.

Тадбиркорларни Ўзбекистон ва МДХ бўйича дистрибуторликка таклиф этамиз.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мақсуд Шайхзода кўчаси, 1-уй.
Тел: 116-86-57. Факс: 116-86-53.
Мулоқот учун шахс: Абдулвоҳит Ибрагимов.
E-mail: shayhontohur.textil@uzpak.uz www.shayhontohur.com

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари диққатига!

«Ўздавархитектқурилиш» кўмитасига қаршли пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бошқармасининг

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Ш.Рашидов туманининг М.Узоқов номи ширкат хўжалигидаги Бўстон қишлоғида ҚВЛ қурилиш ишлари бўйича қайта танлов савдоси (тендер) эълон қилади.

Қурилиш тугаллаш муддати — 90 кун.
Буюртмачи — Сирдарё вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси.
Манзили: Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй.
Телефон: 27-63-85.

Объект қурилиши давлат маркаштирилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Танлов савдоларида қатнашувчи ташкилотлар қўлидаги талабларга мос келиши керак: етарли касбий ва техник малакага, молиявий ва моддий имкониятга, ўзаро ишонч, етарли ишчи кучи захирасига, шартнома тузиш учун юридик ҳуқуқ ва қобилиятга эга бўлиши лозим. Танлов қатнашчилари тендер ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан қўлидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй, республика тендер бошқармаси Сирдарё филиали.
Телефон: 27-64-84.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соати.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камиде 30 кундан кейин Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уйда тендер бошқармаси филиали биносида соат 10.00да ўтказилади.
Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.

Ҳурматли ишбилармонлар ва тадбиркорлар!



Сизларни хўжалик субъектларига ажратилган кредитларни қоплаш учун берилган товарларни сотиш ва тижорат операцияларини ўтказишда тижорат банкларига кўмаклашиш ҳамда кўчмас мулк объектларини, мулк ва товар-хом ашё ресурсларини сотиш бўйича аукцион, биржа, танлов ва тендер савдолари учун Ўзбекистон банклари Ассоциацияси томонидан махсус ташкил этилган

УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИГА

таклиф этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 66-сон қарори асосида Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитасининг 2003 йил 7 июлдаги 54-П-сонли буйруғига асосан «O'zbekiston Banklari Assotsiatsiyasining Universal Birja Markazi»га 2003 йил 11 июлда биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи серия рақами DB 001, № 000010-сонли лицензия берилди.

Манзил: Тошкент ш., А.Хўжаев к., 1-уй. Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93.





Ёш авлоднинг жисмоний чиққитириши, камолга етказиш Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси дастурининг бош йўналишларидан бири ҳисобланади. Афсуски, кўпгина жойларда спорт анжомлари етишмайдими. Бу эса бошланган хайрли иш равақига соя солади.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими бу соҳада ибратли ишларни амалга оширмоқда. Кунни кеча вилоят бўлими мутахассислари Бўстонлиқ туманида бўлиб, болаларга 8 миллион сўмлик спорт жиҳозлари ҳая элди.

— Бу бошланган ишларимиз дебодаси, — дейди мажмур жамғарманинг Тошкент вилоят бўлими директори Раҳмат Тиллаев. — Иш давомда барча туман болаларини зарур спорт жиҳозлари билан таъминлаймиз.

СУРАТДА: 7 ёшли Парвон Солиева ва (чапда) 8 ёшли Жанар Жўлдасова келажакда машур спортчи бўлиши орзу қилишади.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

МЕХР КУНДА КЕРАК

Наманганнинг Навкентда бўлганми? Тоғ ён бағридаги бу сўлим қишлоқнинг табиғати ҳам, зилол суви ҳам шифобахш.

Наманган — Нанай автомагистралнинг кун ботиши тарафидан икки қаватли зонавий бино қишлоққа кўрб бағишлаб турибди. Бу қишлоқнинг кўп тармоқли шифо маскани. Замонавий табибей анжомлари билан жиҳозланган ушбу масканда саккиз нафар малакали шифокор, йигирма тўққиз нафар ўрта табибей ходими аҳоли саломатлигини йўлга дахлат қилиб келишадир.

— Шифокорларимиз ўз соҳасининг билимдонлари, — дейди гурур билан бош шифокор Султонхон Раҳмонов. — Комилжон Тениров туманда кўзга кўринган тиш шифокори бўлса, Маъмураҳон Тиллабоева малакали гинеколог, Авазбек Мирзаев, Халимаҳон Йўлдошева... Уларнинг ҳар бири ҳурмат ва таҳсинга лойиқ.

Дарҳақиқат, Янгикўрғон туманининг Навкент қишлоғига жойлашган ушбу шифо масканида физиотерапия, акушер-гинекология, ички касалликлар, педиатрия бўлимларидан ташқари «Тез ёрдам» бўлими ҳам фаоллиги кўрсатиб келаётди.

Ҳозирда ушбу маскан 16 минг нафардан зиёд қишлоқ аҳолисига малакали табибей ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Этиборли томони шундаки, шифо масканида тартиботчилар гуруҳи ташкил этилган бўлиб, улар ҳўжалиқларда, ўқув, тарбия муассасаларида бўлишиб, турли хасталиқлар ва уларнинг олдини олиш юзасидан учрашувлар, давра суҳбат-

лари ўтказиб туришади. — Ёшим саксон учда, — дейди Турмат ота Юсупов. — Шифоҳонамиз шифокорлари деярли ҳар кунни келиб ҳолимдан хабар олиб кетишади. Зарур пайтда табибей ёрдам, маслаҳат беришади. Улардан миннатдорман.

Навкентликларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, кўп тармоқли шифо маскани ва у ердаги шифокорлардан миннатдор эканлигини айтишади.

Навкент қишлоқ врачлик пунктининг бошқа шифо масканларидан афзаллиқ томони шундаки, бу ерда табибей муолажа олиш учун барча шароитлар мўжайиб, — дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири Хусанбой Уринов. — Энг сўнгги табибей анжомларнинг ўрнатилганлиги эса, хасталиқларнинг олдини олиш, вақтида даволашда гоёт қўл келмоқда.

Мажмур жамоанинг яна бир ибратли томони, улар маҳалларда ўтатилган ҳар бир тадбир, кечага бош-қош: «Намунали хонадон», «Ибратли оила», «Обод ва озода кўча» деб номланган кўрик-танловларнинг ўтказилишида ҳам маҳалла фаоллари билан ҳам-ҳам, ҳамфикр.

Ҳар кунни ушбу даргоҳга ўнлаб беморлар келди ва улар, энг аввало, шифокорларнинг ширин муомаласи, эътиборидан шифо топадилар. Хўшимуомалилик ва эътибор эса шифокорлик касбининг мазмун моҳиятини ташкил этади.

Аскаралли МАМАТОВ.

Абдуҳамид тоғасининг устахонасига ҳар галдек аста мўраллади. Гоҳи Аҳмадилло ака кириш қўқмай қўлидаги буюмга ишлов бераётган бўлса, жиян секин орқага қайтади. Бундай пайтда унинг ишига халақат беришни истамайди. Билдики, сал эҳтиётсиз хатти-ҳаракат, хаёл, фикрнинг бўлиниши ясаётган зеби-зийнатнинг бирорта гули, нақшининг нотўғри кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун иш авж пайтда яхшиши тоғанинг юмуши тутаниши кутади. Кейин устахонага кириб боради.

Ўзи кейинги пайтларда Абдуҳамид тоғаси олдида сарқатнов бўлиб қолди. Аҳмадилло аканинг ясаётган турли-туман зебигардонларига ёш йигитча бекфарқ эмасди. Уларни завқ билан томоша қиларкан, «Тоға, маниям қўлимдан келармикан, шунақа ясаш», деб кўярди. Унинг қизиқишини сезган тоға жиянини тўққизинчи синфни битириши билан ўз устози Ҳожиёпа Тоирова олдида етаклаб келди.

— Устоз опа, менга ўртатган ҳунарингизни шу жиянимдан ҳам аясангиз. Қизиқини, мўҳими кўнги бор. Қизиқ-да, ҳаётда нимадир бўлишига нимадир сабаб бўлади, доимо. Тоға сабаб жиян 2000 йили очилган пойтахтдаги Қурилиш ва миллий-ҳунармандчилик коллежига ўқиниш келди. Бир кун...

Суҳбат аввали: — Коллеждан қайтаётган мактабда бирга ўқиган ўртоғини кўриб қолдим. У менга «Ҳами, шарҳда ўқиб га олим бўб кет-ветсанми? Нима, санга зарилмиди шу ҳунарни ўрганиш. Мактабда тинчгина ўқиб юр-

санг бўмасмиди? Дардан кейин копток тепадик, у ёқ бу ёқларни айланарди», деб гап қотди. Тўғри, коллеж мактаб эмас экан. Бу ерда ҳам ўқиниш, ҳам ҳунар ўрганиши керак. Буларни бақамти олиб бориш эса анча мушкул. Унинг устига ҳар кунни Қибрайдан қатнаш, дарсларга улгуриш... Очиги, ўша кунни ясамоқчи бўлган нарсамни ҳеч уддалай олманг, бунинг устига,

бўлмайди. Айниқса, миллий ҳунардоримиз қадрлиб, алоҳида билим даргоҳлари ташкил қилинаётган пайтда. Булар ахир сен тенги болалар учун-ку. Бунинг қарига етиш керак, ўғлим. Кўча-кўйда бекор юргандан кўра, ҳунари бўлганнинг нимаси ёмон. Қолаверса, тоғанг қўнли бола, деб сенга ишонганиди. Унингданга ҳам... Хуллас, гапларимни яхшилаб ўйлаб кўр...

кўшимча жило берар, уни янада такомиллаштиришга интиларди. Кўча-кўйда ҳам турли услубга чиroyли нақшлар, ҳар қил безакларга тикилгани-тикилган. Уларни альбомига тушириб қўйиб, сўнг яна ўзидан алланамаларни қўшади. Афсуски заргарлик буюмларига тегишли алаб-бетлар деярли йўқ. Шундай бўлса-да, коллеждаги Абдуҳамид сингари болаларнинг ду-

си. Халқимизнинг миллий зеби-зийнатларини қайта жонлантириш, уларга турлича жило беришни ўрганаётганимиз бизни яна ва яна ишлагга қизиқтираверади... Абдуҳамид Ганиев ақидда Заргарлик буюмлари ва тақинчоқларни тайёрлаш бўйича уста деган диплом олди. Ўзини у ҳунарни уста...

Суҳбат интиҳоси: — Дизайн

ҲУНАРЛИ КАМ БЎЛМАЙДИ

ёки коллеж ўқувчиси билан суҳбат

роса чарчаб келаётганим. Ҳаммаси қўшилиб, ҳафсалам пир бўлди, ўқитим келмай қолди...

Бунинг Ҳожиёпа дарров сезди. Шогирдидоғи ўзгариш — кейинги пайтдаги бир оз лоқайдлик, шашти пастлик унга аён бўлганди, асли. Барибир бола-да, ҳардам хаёл бўлиши, фикри ўзгариши, қийинчиликдан қўчиши, табиий. Ўқувчиларининг ички кечинмаларини кўзида, хатти-ҳаракатидан дарров пайқайдиган «устоз опа» Абдуҳамид билан яққам-яққа гаплашди.

— Ҳаётда йигит кишининг ҳунари бўлгани яхши. Кейинчалик олий ўқув юртига ўқинишга кирсанг ҳам, ишласанг ҳам бир кун келиб барибир шу ҳунаринг асқотасди. Ҳозир қийнасанг кейин осон бўлади. Билиб қўй, ҳунарли киши ҳеч қачон, ҳеч қаерда хор

Абдуҳамид шу кунни гўё бир-икки ёшга улгайгандек бўлди. Ахир устози у билан очикчасига гаплашди. Ҳаммасини ўзига ташлади. Очиги, охириги пайтда дарсларга тайёргарлиги ҳам бўлашиб қолувди. Ахир у тенги болалар ҳам ўқинишга, ҳунар ўрганишга япти-ку. «Бекорчиликдан худо безор», деган гапни дадамлар кўп қайтариларди. Бежиз эмас-да. Йўқ, қийин бўлса заргарлик илминини ўрганаман, ахир кўп нарсани қўлимдан келди-ку...» Шундан кейин у турли бегона ўй-хаёллардан холи бўлгандек, яна машғулларга шўғинди. Амалий ишлар жараёнида турли тақинчоқлар ишлашга шу даража берилиб кетдики, энди ўртоқлари билан кимники чиройли чиқарга баслашадиган бўлди. Чунки у ўзи ясаётган буюмга турлича

неқараш, фантазияси кучли. Суҳбатнинг ярида: — Зебигардон, баргак, сочпопулар, яна анча-мунча ясаган заргарлик буюмлари ўзимизга бошқача қўринади-да. Бир кунни устозимиз ясаган балдоқларимни кўриб, бу ахир санъат асарини-ку, заргарлик асли ижод қилишни демакдир, деб қолдилар. Жуда топиб айтидилар-да. Чунки мен ва тенгдошларим ҳақиқатан ҳам иш жараёнида турли усулларни ижод қиларми. Уларни ўзимиз ясайми. Тайёрлаш жараёнида яна нималарнидир қўша-ишарми. Турин-да бу том маънода ижод. Ўзимизнинг ижод намуналаримиз. Гоҳи бундан бузилган ишларни ўзимиз ўз қўлимиз билан ясаганимизга ишонмайми ҳам. Шунда қилган меҳнатимиз кўзимизга нақадар чиройли кўринишини тасавур қила олмай-

фанидан тутган альбомимни титқилаб ўтириб коллежга кириш имтиҳонига чизган кўза билан олма суратига кўзим туши, — дейди Абдуҳамид. — Газетада ўқигандим. Андижонлик Дилфуза Магбобоева деган қизчининг чизган суратлари Японияда бўлиб ўтган халқаро рақамлар кўргазмасида биринчи ўринни олган экан. Иккитдор, истеъдод, қобилият деталлари шу бўлса керак-да. Қанидир мен ҳам шунақа зеби-зийнатлар ишла-самки, уларни кўргазмаларда намойиш қилinsa, меннинг ишларимга ҳам лол қолувчилар бўлса... Менимча, ҳаммаси оданинг ўзига боғлиқ, мен шунақа ўйлайман. Узида бўлса, кунт қилса, қилаётган ишидан завқ олса, ҳунар ўрганганга нима етсин!

Умида ФАЙЗИЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Фирибгар қўлга тушди

Кўнгли кўрғур қизик-да! Унинг раёнга қарасангиз, ҳар нағмага йўрғалатяверди. Биров болачақасини ҳалоқ боқай, ризқимга ҳаром-қаршини ара-лаштирмай, деб кўнглини жиловлаб турса, айрмалар ризқ-рўз топшининг қингир йўлларига ўзини уради.

Утанининг ўроғини, кетганининг кетмонини олиб, фирибгарлик, қаллоблик, тов-ламанчилик билан ҳаром пул-лари қўлга киритиб, ўзини арши-аёлода сезди. Аммо шу ҳаракати билан чўқурга тушаётганини, жамият тарақ-қиётига муайян даражада салбий таъсир ўтказётганини билмайди. Сал орада нафси ҳақалак отган бандга айланиб қолди. Вақт келди, боши тошга тақди. Шунда кўз ёши қилди, пушаймонлигини билдириди. Базилар эса...

Роппа-рота 35 ёшни уриб қўйган, икки нафар фарзандининг отаси, андижонлик Шавкатбек Солиқов ҳаёти бунга яққол мисол. Нопок қалб уни не қўйларга солма-ди, дейсиз. Эсини танибдики, осон ва қингир йўллар билан фаровон яшашини орзу қилди. Шу мақсадда Тошкентга келиб, фирибгарликни касб этди. Қора қилишлари учун 1998 йили Тошкент тумани суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбдор деб топилди, 3 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Шавкатбек бундан ҳулоса чиқармади. Кўнглининг қингир кўчалари бўйлаб сайр этаверди. 2000 йилда Сурхондарё вилоятида пайдо бўлиб, жиноятга қўл урди. Фирибгарлиги фош бўлиб, Термиз тумани суди томонидан 9 йил муддатга қамал-ди. Кейин «Амниятга тўғри-сид»ги Фармон қўланилиб, жазодан озод этилди. Но-шукур банд-да, яна эски



Ажаб савдолар

касали хуруж қила бошла-ди. Жорий йилнинг 25 фев-рели кунни «қаҳрамонимиз» Навбахор тумани ҳокимли-гига кириб келди. Узини рес-публика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигидан Аҳмедов Шухратбек Саидо-вий деб таништирди, қип-қизил муқовали тувоҳнома-сини кўрсатди. Фермер ҳўжа-ликларига техника воситала-ри сотиб олишларига кўмак-лашши ниятдалигини баён ай-ладди. Узини басавлат, улусифат, улдаборун киши сифатида намоен этди. Ба-шар кийинини, босайми-босмайми деб қадам қўйи-

ши, вазъ айтишларига ба-зилар ишонди. Кишилар қалбига илондек суқила оладиган устаси фар-ранг қаллоб дарҳол ишга ки-ришди. «Ҳаққат» фермер ҳўжалигини қабари билан ўч-рашиб, қабрини ўргулсин «МТЗ-80» русумли трактор олиб беришга ваъда берди. Ишчи тельшатириш ва бош-қа сарф-харажатларга юз минг сўм керак бўлишини «қўлонингизга айтаман» шак-лида тушунтирди.

«Шухратбек Саидович» кейинги кунни фаолиятини янада жаддаллаштиришга уринди. Сохта вақил қўшини Навойи туманига борди. «Зар-рашон» ширкат ҳўжалиги-да яшовчи фермер И.Омо-новни осонгина «чўв» ту-шари. У бечора Янгирқиз фўққароли йингани раиси ҳамроҳлигида келган қаллоб-га 50 минг сўм тутқазганини билмай қолди.

«Мартабали вақил»нинг гаيري одати қилиқларидан, шубҳаланган фермерлар ички ишлар бўлимига хабар беришди. Шундай қилиб фирибгар қўлга олинди. «Саёқ юрган таёқ елди», дейишлари бежиз эмас. Нафс бандаси қилишларига яраша жазо олди. Лекин биз эҳтиёт бўлишимиз лозим. Чунки орамизда Шавкатбек сингари фирибгарлар йўқ эмас.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Милициянинг тезкор хабари

Яхшилик қиламан деб

Тошкент вилоятидан турман хабарга кўра Д.Аминбаев Бўстонлиқ туманидаги Хондайлик қишлоғига яшовчи К.Шарофов бошқарувидagi «Тикю» га йўловчи сифатида ўтирди. Манзила етгач у шум ниятини амалга оширди. Бечора ҳайдовчи бўйича тиралган пичоқдан қўриқ келди. Устига-устак қўлга етказилган тан жаро-

ҳати туфайли қон йўқотиб, беҳуш йиқилди. Ўзига келгач, автомобилдаги 48.000 сўм пули йўқлиги маълум бўлди. Жиноятчи эса узоққа кетмасданок ушланди. АдИБОХОН РАҲМАТУЛЛАЕВА, ИИБ Матбуот маркази жамоатчиси.

БУНА АГЕНТЛИГИ 133 16 16 139 17 54

БТЛ - бу чакана эмас!

Йилига 40 тонна нашрлар 2000дан зиёд обуначи-ташкилотлар:

- Вазирлар Маҳкамаси
- Барча вазирликлар
- Давлат қўмиталари
- Барча олий ўқув юртлири

60та етказиб берувчи дастурлар ва нашрларни ташувчи «Дамас» автомашиналари

Обуна бозоридоғи 8 йиллик муваф-фақиятли фаолият

Обунанингиз олиб бо-раётган ташкилот билан бизларни

СОЛИШТИРИБ КЎРИНГ!

www.btagentstvo.narod.ru E-mail: bttezkor@mail.ru

«MAKSIMA» мебель салони

Италия, Испания, Польшадан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, расмлар ва кўрпа-ёстиқ анжомларини таклиф этади.

«MAKSIMA» АРТ-ДИЗАЙН СТУДИЯСИ

хонадонингиз, ҳовлинингиз дизайнини икка тартибга ишлаб беради. КАТАЛОГ бўйича буюртмангиз етказиб берилади.

Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш — БЕПУЛ.

Тушилик ва дам олиш кунини ишлаймиз.

Манзил: Д. Қўноқов (С. Сатерина) қўчаси, 46-уй, (Қўрғон — Мағбобоев боғи) Тел: 111-14-44, 182-75-94. E-mail: maksima@online.ru

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
- П. ДЮГАЙ,
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
- Л. КУЧЕРЕНКО,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУХИДИНОВ,
- Г. ПРОХОРЕНКО,
- Ш. РИЗАЕВ,
- А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- М. САФАРОВ,
- И. УТБОСАРОВ,
- О. ҚАЙИББЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- А. ҲАЙДАРОВ,
- Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сўёсий ҳаёт — 133-57-34; 132-10-65
- Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;
- Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;
- Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 608, 22990 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўроғ бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида термиди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Б. ЭҒАМҚУЛОВ. Навбатчи — С. АНВАР. Мусоҳиҳ — Ш. МАШРАББОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қўғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. 1 — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишча топшириш вақти — 21.00. Топширишди — 21.00. 1 2 3 4 5 6

«Lok Kolor Sintez» корхонасидан янгилик

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИ ОҚИЛОНА ИШЛАТИНГ!

БИНОЛАРИНГ ОЛД ТОМОНИ УЧУН СУВ БИЛАН АРАЛАШТИРИЛАДИГАН АЖОЙИБ МАТЕРИАЛЛАР КОМПЛЕКСИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

«ПЕНЕТОН» шимдиргичи силкатли пойдеворлар тешикчаларига чуқур кириб бориб, уларнинг уст қатламни пишиқ ва мустаҳкам қилади ҳамда сувни ўзига тортишини камайтиради.

«БИНОГРУНТ» грунтвокаси бўёқнинг бетонга бўлган адгезиясини яхшилайди ва бўёқнинг сарфланишини камайтиради.

Ранг-баранг «БИНОФАС» бўёғи бино олд томонини химоялайди ва унга чирой беради.

Мовар сертификатланган. Мўлов — ичи қтқазуш ийғи билан.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Фаргона йўли» кўчаси, 13/22. Телефонлар: (998 71) 191-47-41, 191-80-94, факс: (998 71) 191-74-68. E-mail: lokcolor@online.ru

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг **НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МАРКАЗИ**

Навоий вилояти, Навбахор тумани, А.Навоий номи ширкат ҳўжалигида иктисод йўналиши бўйича 600 ўқувчига мўлжалланган касб-ҳунар коллежи қурилиши учун қайтадан пудрат савдоси (тендер)ни эълон қилади.

Буюртмачи — Навойи шаҳри, Навойи кўчаси, 63-ўйда жойлашган Навойи вилояти ҳокимияти капитал қурилиш бошқармаси. Объект нархи — 1096694000 сўм. Қурилиш муддати — 24 ой.

Қурилиш ишлари давлат бюджетни ҳисобидан олиб борилади.

Таллоб сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: таллоб савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридоғи ўзи айланма маблагларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларини беришга банк қараланомаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фўққаролик-муомала ҳуқуқий паёқат ва устас сармоясининг миқдори, таллоб объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўш кўчлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, таллоб объектида ўш кўчлари билан бажарилган ишларнинг мўлжалланган ҳажми (фоизларда).

Таллоб савдоларида қатнашган талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашши ва тендер ҳўжатларига эга бўлиш учун сўрвоннома билан савдо ташкилотчиси — Навойи шаҳри, С.Айни кўчаси, 32-ўйда жойлашган капитал қурилишда пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг Навойи вилояти маркази мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 225-53-85.

Ҳўжатларнинг бир тўплами (комплект) қиймати: қурилиш учун — 50 минг сўм. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисида тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соати.

Таклифлар (оферталар) эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қўйидаги манзилда: Навойи шаҳри, Навойи кўчаси, 63-уй, соат 15.00да Навойи вилояти ҳокимияти капитал қурилиш бошқармаси биносида ўтказилади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УАД жамоаси агентлигининг Халқаро ахборот тахририят бош муҳаррири Анвар Бўбоевга отаси, ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими **Машраб БОБЎЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қурилиш Сўз қўроқларининг ижро этиш бўлими бош инспектори Акрам Халиповга онаси **Хосият я ХАЛИПОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадио-компанияси жамоаси «Ўзбекистон» телеканал бош директорининг ўринбосари М. Раҳматовга волидан муҳтарамаси **Лутфия я САИДУМАРОВА**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.